

V SHO‘BA

O‘ZBEKISTONDA TURISTIK FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATI VA ISTIQBOLLARI

Олим АСТАНАКУЛОВ,
*Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси,
“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми”
кафедраси профессори, и.ф.д.*

ЎЗБЕКИСТОНДА “ЦИРКУЛЯР ИҚТИСОДИЁТ” ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ЗОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ

***Аннотация.** Мазкур мақолада глобал туризм ривожланиши жараёнида юзага келаётган экологик муаммолар ва уларни бартараф этишида циркуляр иқтисодиёт тамойилларининг аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. 3R модели асосида ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш имкониятлари кўриб чиқилади. Ўзбекистон туризм соҳасидаги мавжуд ҳолат, инфратузилма ва экологик бошқарув муаммолари баҳоланиб, барқарор туризмни ривожлантириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилади.*

***Калим сўзлар:** циркуляр иқтисодиёт, барқарор туризм, 3R модели, экологик муаммолар, карбон чиқиндилари, туризм индустрияси, ресурс самарадорлиги, яшил туризм, туризм инфратузилмаси, иқтисодий барқарорлик, “Яшил” меҳмонхоналар.*

***Аннотация.** Данная статья представляет собой научный анализ экологических проблем, возникающих в процессе развития глобального туризма, и значения принципов циркулярной экономики в их решении. На основе модели 3R рассматриваются вопросы эффективного использования ресурсов, а также возможности сокращения отходов и их переработки. В исследовании оценивается текущее состояние туристической отрасли Узбекистана, ее инфраструктуры и экологического управления, а также разрабатываются практические рекомендации по развитию устойчивого туризма.*

***Ключевые слова:** циркулярная экономика, устойчивый туризм, модель 3R, экологические проблемы, углеродные выбросы, туристическая индустрия, ресурсная эффективность, «зелёный» туризм, туристическая инфраструктура, экономическая устойчивость, «зелёные» гостиницы.*

***Abstract.** This article provides a scientific analysis of the environmental challenges arising in the process of global tourism development and the significance of circular economy principles in addressing them. Based on the 3R model, it examines the efficient use of resources, as well as opportunities for waste reduction and recycling. The study assesses the current state of the tourism sector in Uzbekistan, its infrastructure, and environmental management issues, and develops practical recommendations for the development of sustainable tourism.*

***Keywords:** circular economy, sustainable tourism, 3R model, environmental problems, carbon emissions, tourism industry, resource efficiency, green tourism, tourism infrastructure, economic sustainability, “green” hotels.*

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилликда халқаро туризм йилига ўртача 3-4 фоизга ўсиб бормоқда. Бироқ бу ўсиш ўзи билан бирга жиддий экологик муаммоларни ҳам олиб келмоқда. Туризм соҳаси

глобал карбон диоксид чиқинди миқдорининг тахминан 8 фоизини ташкил этади, унга транспорт, меҳмонхоналар ва туристик инфратузилмадан чиқадиган ифлосланишлар киради. Табиий ресурсларнинг тез камайиши, чиқиндиларнинг кўпайиши ва экотизимларнинг издан чиқиши туризм соҳасини бошқаришда тубдан янги ёндашувларни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг бой тарихий мероси, Ипак йўли маданияти ва нодир табиий манзаралари билан жаҳон туризм харитасида муносиб ўрин эгаллаш имкониятига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар ЮНЕСКО мероси объектлари сифатида тан олинган бўлиб, мамлакатга бўлган туристик қизиқишни йилдан йилга оширмоқда²⁶⁹. Сўнгги йилларда ўтказилган туризм соҳасидаги ислохотлар натижасида хорижий сайёҳлар сони сезиларли даражада ошди, аммо инфратузилма ва экологик бошқарув тизими ҳали ҳам ривожланиш босқичида турибди.

Бу вазиятда циркуляр иқтисодиёт тамойиллари алоҳида аҳамият касб этади. Циркуляр иқтисодиёт – бу ресурслар “олиш – ишлатиш – ташлаш” схемаси ўрнига “камайтириш – қайта фойдаланиш – қайта ишлаш” (3R) тамойили асосида ишлайдиган тизим бўлиб, у иқтисодий фаолиятни экологик зарардан ажратиш олишни мақсад қилади²⁷⁰. Туризм соҳасида бу ёндашув меҳмонхоналар, транспорт тизимлари ва туристик инфратузилманинг ресурс самарадорлигини ошириш орқали амалга оширилади.

Циркуляр иқтисодиёт тушунчаси 1970–1980 йилларда Уолтер Штаел ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у ресурслардан тежамкор ва самарали фойдаланиш ғоясига асосланади. Мазкур ёндашувда маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва чиқиндиларни бошқариш жараёни ўзаро боғлиқ тизим сифатида қаралади. Бугунги кунда циркуляр иқтисодиёт аниқ иқтисодий концепция сифатида шаклланиб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида давлат сиёсати, саноат стратегиялари ва экологик дастурларга сингиб бормоқда. Айниқса, табиий ресурслар чекланганлиги, иқлим ўзгариши ва чиқиндилар ҳажмининг ортиши ушбу моделга ўтиш заруратини кучайтирмоқда. Анъанавий “олиш–ишлаб чиқариш–ташлаш” тамойилига асосланган иқтисодий фаолият ўрнига қайта ишлаш, қайта фойдаланиш ва ресурс айланмасини таъминлашга қаратилган циркуляр модель устувор аҳамият касб этмоқда. Бу эса иқтисодий ўсишни экологик барқарорлик билан уйғунлаштириш имконини беради. Шу жиҳатдан циркуляр иқтисодиёт нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки инновацион ишлаб чиқариш, яшил технологиялар ва барқарор истеъмол маданиятини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Анъанавий ва циркуляр моделлар орасидаги асосий фарқлар қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган бўлиб, унда тўрт муҳим мезон бўйича икки моделни таққослайди ва туризм соҳасида циркуляр ёндашувнинг устунлигини

²⁶⁹ Navruz-Zoda B., Ibragimov N. Ways of Applying Destination Management Concepts to the Development of Internal Tourism in Uzbekistan //International Tourism and Hospitality in the Digital Age. – IGI Global Scientific Publishing, 2015. – С. 172-190.

²⁷⁰ Liu F. L. Green management of tourist attractions region under the background of circular economy //Advanced Materials Research. – 2014. – Т. 989. – С. 5592-5595.

кўрсатади.

1-жадвал


Анъанавий ва циркуляр иқтисодиёт моделларининг таққосламаси²⁷¹

Мезон	Линей модел	Циркуляр модел
Ресурс ишлатиш	Бир марта: “олиш – ишлатиш – ташлаш”	Доимий айлантириш: “камайтириш – қайта фойдаланиш – қайта ишлаш”
Чиқиндилар	Кўп; охир-оқибат полигонга	Минимал; қайта ишланади ёки биогазга айлантирилади
Энергия	Фосил ёқилғига асосланган, самарасиз	Қайта тикланувчи манбалар (күёш, шамол)
Экологик таъсир	Юқори; CO ₂ , чиқинди, деградация	Паст; тупроқ унумдорлиги ва биохилма-хиллик сақланади
Иқтисодий самара	Қисқа муддатда юқори, узоқ муддатда пасаяди	Узоқ муддатда юқори ва барқарор
Туризмга мослиги	Масштаб ошган сари муаммолар кўпаяди	Ўсиш билан бирга экологик зарар камаяди

Манба: Liu (2014) ва Vuković et al. (2024) асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, туризм соҳасида циркуляр модел узоқ муддатда иқтисодий самарадорликни ҳам, экологик барқарорликни ҳам таъминлайди. Айниқса, чиқиндиларни минималлаштириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш туристик объектларнинг операцион харажатларини камайтириш имконини беради.

Қуйидаги расмда циркуляр иқтисодиётнинг туризмга татбиқ этиладиган 3R тамойиллари – камайтириш, қайта фойдаланиш ва қайта ишлаш ўртасидаги боғлиқлик тасвирланган:



1-расм. Туризмда циркуляр иқтисодиёт (3R) модели

Расмда кўрсатилганидек, 3R тамойиллари мустақил эмас улар бир-бирини

²⁷¹ Liu F. L. Green management of tourist attractions region under the background of circular economy //Advanced Materials Research. – 2014. – Т. 989. – С. 5592-5595.; Vuković, D., Ilić, B., Dukić, A. and Milošević, M. Technological innovations in tourism based on circular economy, *Forging the Future: Pioneering Approaches in Business, Management and Economics Engineering to Overcome Emerging Global Challenges – 2024*, pp. 310–318. doi: 10.24867/FUTURE-BME-2024-035.

тўлдирувчи ва мустаҳкамловчи яхлит тизим ҳосил қилади. Камайтириш биринчи ва энг самарали қадам, ресурс истеъмоли аслида камайтирилган ресурс кейинчалик қайта фойдаланиш ёки қайта ишлашга эҳтиёж сезмайди.

Туризм соҳасида циркуляр ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, туристик маҳсулот – бу аксарият ҳолларда материал бойлик эмас, балки тажриба ва хизматдир. Шу боис ЦИ тамойиллари туризмда физик маҳсулотлар эмас, балки энергия, сув, озиқ-овқат ва транспорт тизимлари орқали амалга оширилади²⁷². Технологик инновациялар – ақил ресурс менежменти тизимлари, рақамли иқтисодиёт воситалари – ЦИни туризмда жорий этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади²⁷³.

Анъанавий туризм менежменти тизимлари, асосан, иқтисодий самарадорлик – сайёҳлар сони ва даромадни ошириш кўрсаткичларига мўлжалланган. Бошқаришнинг бу модели бир қатор экологик ва иқтисодий муаммоларни юзага келтирмоқда.

Энергия истеъмоли масаласида кўриладиган бўлса, меҳмонхоналар ва туристик иншоотлар умумий иқтисодиётнинг энергия сарфида катта улушга эга. Аксарият туристик ҳудудларда электр энергияси ва иссиқлик фосфор ёқилғилари асосида ишлаб чиқарилади, бу эса нафақат харажатларни оширади, балки экологик босимни ҳам кучайтиради. Сув ресурслари бошқарувида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд, туристик ҳудудларда сув истеъмоли маҳаллий аҳолига нисбатан кўп бўлиши мумкин.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги муаммолар ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Туристик зоналарда маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, уларни тўғри саралаш ва қайта ишлаш тизимларининг йўқлиги муаммони янада кескинлаштиради. Экологик муаммолар сирасига қуйидагилар киради:

- тарихий объектлар яқинидаги майдонларнинг ифлосланиши ва деградацияси;
- сув ресурсларига ортиқча юклама (айниқса қуруқчилик иқлимга эга ҳудудларда);
- ер ва ҳаво ифлосланиши, шовқин-сурон;
- маҳаллий экотизимларнинг бузилиши.

Иқтисодий нуқтаи назардан ҳам анъанавий туризм модели узоқ муддатда самарасиз: ресурс исрофгарчилиги харажатларни оширади, экологик зарар туфайли туристик обрў пасаяди ва инвестицион жозибадорлик камаяди. Туристик ҳудудларда барқарорликнинг таъминланмаслиги асосий стратегик муаммо бўлиб қолмоқда²⁷⁴.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси, тарихий шаҳарлари ва нодир табиий манзаралари билан жаҳон туризм харитасида муносиб ўрин эгаллаш имкониятига эга.

²⁷² Aslan M. Supply and Value Chains and the Circular Tourism Economy. – 2026.

²⁷³ Vuković, D., Ilić, B., Dukić, A. and Milošević, M. Technological innovations in tourism based on circular economy, *Forging the Future: Pioneering Approaches in Business, Management and Economics Engineering to Overcome Emerging Global Challenges* – 2024, pp. 310–318. doi: 10.24867/FUTURE-BME-2024-035.

²⁷⁴ Bekjanov D., Matyusupov B. Influence of innovative processes in the competitiveness of tourist destination // *Innovation and entrepreneurial opportunities in community tourism*. – IGI Global Scientific Publishing, 2021. – С. 243-263.

Давлат сиёсати нуқтаи назаридан Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга оид бир қатор стратегик ҳужжатлар қабул қилинган. 2019 йилда туризм бўйича давлат қўмитаси ташкил этилиб, янги виза тизими ва электрон туризм хизматлари жорий этилди. Шунингдек, “Visit Uzbekistan” брендини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда²⁷⁵.

Бироқ инфратузилма ва экологик бошқарув соҳасида жиддий муаммолар мавжуд. Кўпгина туристик ҳудудларда чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизими йўқ, сув таъминоти тизими эскирган ва исрофгарчиликка йўл қўяди. Тошкент шаҳрининг ўзида циркуляр иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш масаласи ҳали ривожланиш даврини бошидан кечирмоқда²⁷⁶. Рақамли технологиялар орқали туризм самарадорлигини ошириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда²⁷⁷.

Мавжуд чекловлар ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

- кўпгина туристик корхоналарда экологик стандартлар жорий этилмаган;
- маҳаллий аҳолини туристик бошқарувга жалб этиш механизмлари суғуланди;
- инвесторлар учун яшил туризм лойиҳаларини молиялаштириш тизими шаклланди;
- туристик зоналарда экологик мониторинг тизимлари етарли эмас.

Туристик зоналарда чиқиндиларни бошқаришда 3R тамойили ҳал қилувчи рол ўйнайди. Биринчи навбатда бир марта ишлатиладиган пластик маҳсулотлардан воз кечиш ва биологик тарзда парчаланувчи материалларга ўтиш зарур. Меҳмонхоналарда овқат чиқиндиларини биогазга айлантириш, органик чиқиндиларни компостлаш лойиҳалари туризм соҳасида ЦИнинг муваффақиятли намуналаридан бирига айланган²⁷⁸.

Ўрта Осиёнинг қуруқ иқлим шароитида сув ресурсларини тежаш долзарб вазифа. Туристик иншоотларда қайта ишланган сувдан фойдаланиш, ёмғир сувини йиғиш тизимлари ва ақил суғориш технологиялари жорий этилиши керак. Сув ресурсларини тежаш бўйича ақил менежмент тизимлари²⁷⁹ туристик зоналардаги истеъмолни сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон йилига ўртача 300 кундан ортиқ қуёшли кун бўладиган ҳудудга жойлашган бўлиб, бу қуёш энергетикасидан фойдаланиш учун имконият яратади. Туристик меҳмонхоналар ва объектларда қуёш панеллари, иссиқлик насослари ва энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш операцион харажатларни камайтиради ва экологик жозибadorликни

²⁷⁵ Eitzenberger F. J., Thimm T. A tourism research agenda for Uzbekistan //Journal of qualitative research in tourism. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 51-64.

²⁷⁶ Marcombe A. C., Tagaev B. The Diversity of the Circular Economy in the City of Tashkent, Uzbekistan //Journal of International Development. – 2025. – Т. 37. – №. 1. – С. 300-313.

²⁷⁷ Khan M. S. et al. Leveraging technology for sustainable tourism development: An empirical analysis of Uzbekistan //2024 1st International Conference on Sustainable Computing and Integrated Communication in Changing Landscape of AI (ICSCAI). – IEEE, 2024. – С. 1-12.

²⁷⁸ Aslan M. Supply and Value Chains and the Circular Tourism Economy. – 2026.

²⁷⁹ Vuković, D., Ilić, B., Dukić, A. and Milošević, M. Technological innovations in tourism based on circular economy, *Forging the Future: Pioneering Approaches in Business, Management and Economics Engineering to Overcome Emerging Global Challenges – 2024*, pp. 310–318. doi: 10.24867/FUTURE-BME-2024-035.

оширади²⁸⁰.

“Яшил” меҳмонхоналар концепцияси – ЦИнинг туризм соҳасидаги амалий кўриниши. Бу меҳмонхоналарда энергия ва сув истеъмолини назорат қилувчи ақил тизимлар, экологик тоза тозалаш маҳсулотлари, маҳаллий ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва чиқиндиларни саралаш тизими жорий этилади. Меҳмонхоналарнинг экологик сертификациядан ўтиши (ISO 14001 ёки LEED) туристик жозибадорликни ошириши исботланган.

Туристлик хизматлар занжирига маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларни интеграция қилиш – ЦИнинг муҳим таркибий қисми. Маҳаллий деҳқонлардан озиқ-овқат харид қилиш, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларини туристик бозорларга чиқариш ва маҳаллий аҳолини туризм хизматларига жалб этиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик самара беради²⁸¹.

Циркуляр иқтисодиёт фақат технологик ечимлар билан чекланиб қолмайди унда инсон омили ва экологик онг ҳал қилувчи рол ўйнайди. Туристларни экологик жавобгарлик руҳида тарбиялаш, рақамли платформалар орқали барқарор туризм қоидалари билан таништириш ва туристик марказларда экологик маълумот хизматларини йўлга қўйиш зарур²⁸².

Европа мамлакатлари циркуляр туризмни амалиётга татбиқ этишда дунёда пешқадам ўринни эгаллайди. Нидерланд, Дания ва Финляндиянинг туристик ҳудудларида циркуляр иқтисодиёт тамойиллари миллий стратегиялар даражасида жорий этилган. Бу мамлакатлар туристик объектлардаги чиқиндиларни 70–80 фоизга камайтиришга эришган.

Швециянинг “Яшил калит” (Green Key) сертификати эга меҳмонхоналар ва туристик объектлари энергия, сув ва чиқинди соҳасида аниқ стандартларга амал қилади. Хорватияда дастлаб синов тариқасида жорий этилган яшил туризм дастури ҳозир Адриатика қирғоқларидаги барча туристик ҳудудларга тарқалган. Кореянинг Жежу ороли “Карбонсиз орол” лойиҳаси доирасида туристик тизимни 100 фоиз қайта тикланувчи энергияга ўтказиш мақсадини қўйган.

Ушбу тажрибаларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти шундаки, мамлакатнинг иқлим шароити, маданий мероси ва жўғрофий хусусиятлари жиҳатидан рақобатбардош экотуризм дестинациясини шакллантириш имконини беради. Европа тажрибасини тўғридан-тўғри кўчириб ўтказиш мумкин эмас, аммо унинг асосий принциплари – рақамли мониторинг, марказий сертификация тизими, маҳаллий жамоалар иштироки – Ўзбекистон шароитига мослаштирилиши мумкин²⁸³.

Ўзбекистонда циркуляр туризмни жорий этишнинг имкониятлари кенг

²⁸⁰ Paja V. Adopting circular economy principles in the tourism sector–Shkodra Region //Balkan Journal of. – 2025. – Т. 11. – №. 2.

²⁸¹ Nguyen U. H. Leveraging local resources to deploy sustainable tourist destinations towards a circular economy //International Conference on Tourism Research. – Academic Conferences International Limited, 2020. – С. 335-Х.

²⁸² Khan M. S. et al. Leveraging technology for sustainable tourism development: An empirical analysis of uzbekistan //2024 1st International Conference on Sustainable Computing and Integrated Communication in Changing Landscape of AI (ICSCAI). – IEEE, 2024. – С. 1-12.

²⁸³ Panackal N., S S. K. T., Sharma A. Modeling circular economy enablers in ecotourism using TISM and fuzzy MICMAC analysis for sustainable business practices //Discover Sustainability. – 2026.

бўлса-да, реал тўсиқлар ҳам мавжуд. Қонунчилик ва институционал база соҳасида муаммолар кузатилмоқда: туризмда экологик стандартлар мажбурий эмас, “яшил” бизнес учун солиқ имтиёзлари механизми тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда циркуляр туризмни жорий этишнинг имкониятлари ва тўсиқлари мавжуд.

2-жадвал

Ўзбекистонда ЦИ йўналишлари: имкониятлар ва тўсиқлар²⁸⁴

Йўналиш	Имкониятлар	Тўсиқлар
Қайта тикланувчи энергия	300+ офтобли кун/йил; қуёш панелларига инвестиция арзонлашмоқда	Дастлабки капитал харажатлар юқори; малакали кадрлар етишмайди
Чикинди бошқаруви	Биогаз, компост лойиҳалари учун хом ашё мавфуд; маҳаллий бозор мавжуд	Саралаш маданияти паст; полигонлар ортиб бормоқда
Сувни тежаш	IoT сенсорлари ва акқил суғориш тежамкорликни 30–40% оширади	Эски тармоқлар исрофкор; реконструкция харажатлари катта
Маҳаллий таъминот занжири	Маҳаллий деҳқончилик кучли; “ферма-стол” модели жорий этилиши мумкин	Логистика инфратузилмаси суст; сифат стандартлари паст
Рақамли мониторинг	GIS ва IoT орқали ресурс истеъмолини реал вақтда кузатиш мумкин	Рақамли инфратузилма чекланган; маълумотлар базаси кам
Экологик сертификация	Халқаро брендлар (ISO 14001, Green Key) туристик жозибадорликни оширади	Сертификация жараёни мураккаб ва қимматбаҳо

Манба: Khan et al. (2024), Marcombe & Tagaev (2025) ва Panackal et al. (2026) асосида муаллиф томонидан тузилган.

Туризм соҳасида циркуляр иқтисодиётни жорий этиш учун давлат даражасида қуйидаги чораларни кўриш таклиф этилади:

- туристик корхоналар учун “яшил” стандартларни мажбурий тарзда жорий этиш ва уларга риоя қилганлар учун солиқ имтиёзлари белгилаш;
- яшил туризм лойиҳаларини молиялаштириш учун махсус жамғарма ташкил этиш;
- циркуляр туризм бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш ва уни 2026–2030 йиллар стратегик режасига киритиш.

Хусусий сектор ЦИни жорий этишда давлатга таяниб қолиб бўлмайди.

²⁸⁴ Khan M. S. et al. Leveraging technology for sustainable tourism development: An empirical analysis of uzbekistan //2024 1st International Conference on Sustainable Computing and Integrated Communication in Changing Landscape of AI (ICSCAI). – IEEE, 2024. – С. 1-12.; Marcombe A. C., Tagaev B. The Diversity of the Circular Economy in the City of Tashkent, Uzbekistan //Journal of International Development. – 2025. – Т. 37. – №. 1. – С. 300-313.; Panackal N., S S. K. T., Sharma A. Modeling circular economy enablers in ecotourism using TISM and fuzzy MICMAC analysis for sustainable business practices //Discover Sustainability. – 2026.

Туристтик компанияларга куйидаги йўналишлар тавсия этилади:

– меҳмонхоналарда аккил энергия менежменти ва сувни қайта ишлаш тизимларини жорий этиш;

– маҳаллий таъминотчилар билан кооперация орқали “қисқа занжирли” таъминот тизимини яратиш;

– туристлар учун экологик туризм пакетлари ишлаб чиқиш ва ЦИ тамойиллари билан таништириш.

Циркуляр иқтисодиёт тамойиллари туристик зоналар учун нафақат экологик, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам истиқболли ёндашув ҳисобланади. Ресурс самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш туристик объектларнинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини таъминлайди.

Ўзбекистон учун барқарор туризм моделига ўтиш – бу нафақат экологик зарурат, балки жаҳон туризм бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун стратегик зарурат. Мамлакатнинг бой маданий мероси, кенг табиий ресурслари ва ислохотга очиқ туризм сиёсати бу йўлни реал ва қисқа муддатда амалга оширишга имкон беради.

Циркуляр иқтисодиёт тамойилларини туризм соҳасига интеграция қилиш – бу узоқ муддатли жараён бўлиб, давлат, бизнес ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини талаб этади. Бироқ ушбу йўлда қўйилган ҳар бир қадам Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йўлидаги муҳим ютуқ бўлади.

Chori XUSANOV,
TDSHU “Turizm” kafedrasi mudiri, i.f.n., dots.

TURIZM INFRATUZILMASINI MODERNIZATSIYA QILISH ORQALI HUDUDLARNING IQTISODIY RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH

Annotatsiya: *Turizm infratuzilmasini modernizatsiya qilish hududlarning iqtisodiy raqobatbardoshligini oshirishda muhim omil hisoblanadi. Zamonaviy infratuzilmani rivojlantirish, xizmatlar sifatini yaxshilash va investitsiyalarni jalb etish orqali hududlarning iqtisodiy salohiyati hamda turistik jozibadorligi ortadi.*

Kalit soʻzlar: *turizm, infratuzilma, modernizatsiya, iqtisodiy raqobatbardoshlik, hududiy rivojlanish, investitsiya, xizmat koʻrsatish.*

Аннотация: *Модернизация туристической инфраструктуры является важным фактором повышения экономической конкурентоспособности регионов. Развитие современной инфраструктуры, улучшение качества услуг и привлечение инвестиций способствуют росту экономического потенциала и туристической привлекательности территорий.*

Ключевые слова: *туризм, инфраструктура, модернизация, экономическая конкурентоспособность, региональное развитие, инвестиции, сфера услуг.*

Annotation: *Modernization of tourism infrastructure is an important factor in increasing the economic competitiveness of regions. The development of modern infrastructure, improvement of service quality, and attraction of investments contribute to the growth of economic potential and*